

**МУХАММАД ЮСУФ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДОШУВ****Кушвактов Неъмат Хусанович***ЖДПУ доценти,*

Ҳар бир давлатнинг ривожланиши юксак маънавиятли ва интеллектуал салохиятли шахсни тарбиялашга боғлиқ. Шунинг учун ҳам юртимизда ўз Ватанига, халқига, давлатимизнинг бунёдкор ғояларига садоқат билан хизмат қиладиган, ўзининг мустақил фикрига эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилган. Бугунги кунда давлат таълим сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳам айнан истедодли ва илмли ёшларни ҳар томонлама қўллаб қувватлашга қаратилган. **Ўзбекистон республикаси президенти Ш.Мирзиёев** 2017 йил 20 апрель куни ПҚ-2909-сонли **«Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарор қабул қилди. Унда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратишни мақсад қилиб олган. Қабул қилинган қарорга кўра, олий таълим тизимини келгусида комплекс ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари белгиланди. Жумладан: ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологияларни тадбиқ қилиш; олий маълумотли кадрларни тайёрлашнинг мақсадли мезонларини шакллантириш; олий таълим тизимида илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, уларнинг академик илм-фан билан интеграциясини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий фаолияти самарадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга жалб этиш; олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, талаба-ёшларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини, халқимизнинг юксак маънавияти ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғусини чуқур сингдириш, биз учун мутлақо ёт ва бегона бўлган ғояларга нисбатан уларда мустаҳкам иммунитет ва танқидий муносабатни шакллантириш вазифа қилиб қўйилди.

Маълумки, бугунги кунда ахборотлашган тизим жамиятнинг ҳар бир бўғинини эгаллаб олди. Шунинг учун олий таълим тизитмида бўлғуси педагогларни тарбиялашда замонавий ахборот ва телекоммуникацион воситаларнинг имкониятидан кенг фойдаланиш замон талабига айланиб бўлди. Бугунги кунда республикамизнинг барча тармоқларини ахборотлаштириш ва





уни такомиллаштириш бўйича кўплаб қонунлар, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда⁸³.

Замон билан ҳамнафас бўлиб яшаш имконияти яратилмоқда. Замонавий ахборот ва телекоммуникацион воситалар ёрдамида бўлажак ўқитувчиларга миллий – маънавий қадриятларни сингдириш ўзига хос самара беради. Бу эса ўз – ўзидан юксак маънавиятли баркамол шахсни шакллантиришдаги энг муҳим омиллардан биридир .

“Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдураиф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим. Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар

“Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болалаикда олган тарбияларига боғлиқ”.

Қаранг, қандай бебаҳо, олтинга тенг сўзлар!”⁸⁴

Мана бизнинг миллий – маънавий қадриятларимиз. Улардан оқилона фойдаланиш орқали ёшлар тарбиясини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш мумкин. Шунинг учун ҳам биз ёшлар тарбиясини талаб даражасида амалга оширишимиз учун қуйидаги ҳадисшунос олимлар: Имом ал-Бухорий, Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Абу Мансур ал-Мотурудий, Замахшарий, Юсуф Ҳамодоний, Нажмиддин Кубро, қомусий олимлар: ал-Хоразмий, ал-Беруний, Абу Али Ибн Сино, Умар Хайём, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, ёзувчи ва шоирлар: Алишер Навоий, Абурахмон Жомий, Бобур, Лутфий, Саккокий, Бобораҳим Машраб Абдулла Орипов, Сайид Аҳмад, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Саида Зунунова, Саид Аҳмад Муҳаммад Юсуф , давлат арбоблари: Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хусайн Байқаро, Ислоҳ Каримов. жадидчилар: Мунаввар қори (Абдурашидхонов), Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Махмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шакурий, Ҳамза каби бир қанча улуғ алломаларимиз қаторида Муҳаммад Юсуф фаолиятини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар замирида миллий – маънавий қадриятларни ўрганиш борасида анча ишлар қилинмоқда⁸⁵.

⁸³ Ахборотлаштириш», «ЭҶМ лар учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш», «Алоқа», «Интернет», «Масофавий таълим», 2001 йил 23 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамасининг «2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, «Интернет» нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори [4].«Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари».....

⁸⁴ Ш. Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш –юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент. “ Ўзбекистон” 2017й. 22- 23 бетлар.





Бироқ, шу бугунги кунга қадар миллий – маънавий қадриятларни бўлажак ўқитувчилар онгига сингдиришни такомиллаштиришда Мухаммад Юсуф фаолияти таълим – тарбия жихатидан ўрганилмаганлигини инобатга олган ҳолда, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашни жаҳон талаблари даражасига кўтариш ва уларни замон талабига мос инновацион технологиялар воситасида ўрганишни такомиллаштириш каби талабларни рўёбга чиқаришни лозим деб топдик. Буларни эътиборга олиб биз ўз изланишларимизда Мухаммад Юсуф асарларида мадх этилган миллий – маънавий қадриятларни замонавий ахборот ва телекоммуникацион воситалар ёрдамида бўлажак ўқитувчиларга етказиш орқали қадриятларни кенг тарғиб қилиш масаласи турибди.

Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни жаҳон талаблари даражасида тайёрлаш ва улар орқали эртанги кунда миллий – маънавий қадриятларни ёшлар онгига сингдириш таъминлаш зарурияти **тадқиқот муаммосининг долзарблигини** таъкидлайди.

Педагогика олий таълим тизимида талабаларга миллий-маънавий қадриятларни сингдиришни такомиллаштиришда Мухаммад Юсуф асарларида мадх этилган миллий – маънавий қадриятларни ўргатишга хизмат қиладиган ўқув жараёнини ахборотлашга қаратилган илмий-методик тавсиялар яратиш орқали мақсадга эришиб борилади. Бунда биз Шоирнинг бир қатор шеърларига басталанган куйлар, қўшиқлар, яратилган клиплар ҳамда бевосита шоир томонидан ўқилган шеърларни ахборот технологиялари воситасида ёшлар онгига сингдириб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ишни амалга ошириш жараёнида Мухаммад Юсуф фаолиятини тарғиб қилувчи ишлар мажмуасини ифода этадиган модел ишлаб чиқилади ва унинг ёрдамида кўзланган мақсадга эришилганлиги ҳамда унинг самарадорлигини аниқланади.

⁸⁵ Абдурахмонова Д.А. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ эртақларидан фойдаланиш. П.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация. -Т.: 1998. –171 бет., Асқарова У.М. Мехрибонлик уйларида миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик хусусиятлари. П.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация афтореферати.-Т.: 2001. -22 бет. Атажонова Ш.А. Оилада ўспирин ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари: П.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация афтореферати -Т., 2001-19 бет. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчиларининг маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари. П.Ф.Д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.-Т.: 1993.-364 бет. Назаров К.Н. Қадриятлар тизими, барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси аксиологиясининг ижтимоий-фалсафий муаммолари: Фалсафа фанлари док. Илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.-Т.: 1998.-288 -бет. Ортиқов Н. Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш. П.Ф.Д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.-Т.: 2000.-305 бет.